

ПЕДАГОГИК КАСБИЙ КОМПЕТЕНТЛИК ВА УНГА ХОС СИФАТЛАР.

Н.Суннатов
Катта ўқитувчи: НавДКИ

“Компетентлик” тушунчасининг моҳияти. Бозор муносабатлари шароитида меҳнат бозорида устувор ўрин эгаллаган кучли рақобатга бардошли бўлиш ҳар бир мутахассисдан касбий компетентликка эга бўлиш, уни изчил равишда ошириб боришни тақозо этмоқда. Хўш, компетентлик нима? Касбий компетентлик негизида қандай сифатлар акс этади? Педагог ўзида қандай компетентлик сифатларини ёрита олиши зарур. Айни ўринда шу ва шунга ёндош ғоялар юзасидан сўз юритилади. “Компетентлик” тушунчаси таълим соҳасига психологикизланишлар натижасида кириб келган. Шу сабабли компетентлик “ноанъанавий вазиятлар, кутилмаган ҳолларда мутахассиснинг ўзини қандай тутиши, мулоқотга киришиши, рақиблар билан ўзаро муносабатларда янги йўл тутиши, ноаниқ вазифаларни бажаришда, зиддиятларга тўла маълумотлардан фойдаланишда, изчил ривожланиб боровчи ва мураккаб жараёнларда ҳаракатланиш режасига эгаллик”ни англатади. Касбий компетентлик мутахассис томонидан алоҳида билим, малакаларнинг эгалланишини эмас, балки ҳар бир мустақил йўналиш бўйича интегратив билимлар ва ҳаракатларнинг ўзлаштирилишини назарда тутаяди. Шунингдек, компетенция мутахассислик билимларини доимо бойитиб боришни, янги ахборотларни ўрганишни, муҳим ижтимоий талабларни англай олишни, янги маълумотларни излаб топиш, уларни қайта ишлаш ва ўз фаолиятида қўллай билишни тақозо этади. **Инглизча “competence”** тушунчаси луғавий жиҳатдан бевосита “қобилият” маъносини ифодалайди. Мазмунан эса “фаолиятда назарий билимлардан самарали фойдаланиш, юқори даражадаги касбий малака, маҳорат ва иқтидорни намоён эта олиш”ни ёритишга хизмат қилади.

Касбий компетентлик – мутахассис томонидан касбий фаолиятни амалга ошириш учун зарур бўлган билим, кўникма ва малакаларнинг эгалланиши ва уларни амалда юқори даражада қўллай олиниши

Касбий компетентлик қуйидаги ҳолатларда яққол намоён бўлади:

Касбий компетенцияга эга мутахассис:

Касбий компетентлик сифатлари. Касбий компетентлик негизида қуйидаги сифатлар акс этади

Қуйида касбий компетентлик негизида акс этувчи сифатларнинг моҳияти қисқача ёритилади.

1. Ижтимоий компетентлик – ижтимоий муносабатларда фаоллик кўрсатиш кўникма, малакаларига эгаллик, касбий фаолиятда субъектлар билан мулоқотга кириша олиш.

2. Маҳсус компетентлик – касбий-педагогик фаолиятни ташкил этишга тайёрланиш, касбий-педагогик вазифаларни оқилона ҳал қилиш, фаолияти натижаларини реал баҳолашни изчил ривожлантириб бориш

бўлиб, ушбу компетентлик негизида психологик, методик, информацион, креатив, инновацион ва коммуникатив компетентлик кўзга ташланади. Улар ўзида қуйидаги мазмунни ифодалайди:

Сифатлар:

Ижтимоий компетентлик
Шахсий компетентлик
Технологик компетентлик
Махсус (ёки касбий) компетентлик

Касбий компетентлик негизида акс этувчи сифатлар

Экстремал компетентлик Психологик, методик, информацион, креатив, инновацион, коммуникатив ва бошқа компетентлик

- мураккаб жараёнларда;
- ноаниқ вазифаларни бажаришда;
- бир-бирига зид маълумотлардан фойдаланишда;
- кутилмаган вазиятда ҳаракат режасига эга бўла олишда
- ўз билимларини изчил бойитиб боради;
- янги ахборотларни ўзлаштиради;
- давр талабларини чуқур англайди;
- янги билимларни излаб топади;
- уларни қайта ишлайди ва ўз амалий фаолиятида самарали қўллайди

1) психологик компетентлик – педагогик жараёнда соғлом психологик муҳитни ярата олиш, талабалар ва таълим жараёнининг бошқа иштирокчилари билан ижобий мулоқотни ташкил этиш, турли салбий психологик зиддиятларни ўз вақтида англай олиш ва бартараф эта олиш;

2) методик компетентлик – педагогик жараёни методик жиҳатдан оқилона ташкил этиш, таълим ёки тарбиявий фаолият шакллари тўғри белгилаш, метод ва воситаларни мақсадга мувофиқ танлай олиш, методларни самарали қўллай олиш, воситаларни муваффақиятли қўллаш;

3) информацион компетентлик – ахборот муҳитида зарур, муҳим, керакли, фойдали маълумотларни излаш, йиғиш, саралаш, қайта ишлаш ва улардан мақсадли, ўринли, самарали фойдаланиш;

4) креатив компетентлик – педагогик фаолиятга танқидий, ижодий ёндашиш, ўзининг ижодкорлик малакаларига эғалигини намоиш эта олиш;

5) инновацион компетентлик – педагогик жараёни такомиллаштириш, таълим сифатини яхшилаш, тарбия жараёнининг самарадорлигини оширишга доир янги ғояларни илгари суриш, уларни амалиётга самарали татбиқ этиш;

6) коммуникатив компетентлик – таълим жараёнининг барча иштирокчилари, жумладан, талабалар билан самимий мулоқотда бўлиш, уларни тинглай билиш, уларга ижобий таъсир кўрсата олиш.

3. Шахсий компетентлик – изчил равишда касбий ўсишга эришиш, малака даражасини ошириб бориш, касбий фаолиятда ўз ички имкониятларини намоён қилиш.

4. Технологик компетентлик – касбий-педагогикни

бойитадиган илғор технологияларни ўзлаштириш, замонавий восита, техника ва технологиялардан фойдалана олиш.

5. Экстремал компетентлик – фақулотда вазиятлар (табиий офатлар, технологик жараён ишдан чиққан)да, педагогик низолар юзага келганда оқилона қарор қабул қилиш, тўғри ҳаракатланиш малакасига эгалик. Бир қатор тадқиқотларда бевосита педагогга хос касбий компетентлик ва унинг ўзига хос жиҳатлари ўрганилган. Бун дай тадқиқотлар сирасига А.К.Маркова, ва Б.Назаровалар томонидан олиб борилган изланишларни киритиш мумкин. Ўз тадқиқотларида А.К.Маркова педагогнинг касбий компетентлиги қуйидаги таркибий асослардан иборат эканлиги айтилади

6. Педагогнинг касбий компетентлиги. Ўзбекистонда педагогнинг касбий компетентлиги, унинг ўзига хос жиҳатлари ўранилган бўлиб, уларорасида Б.Назарова томонидан олиб борилган тадқиқот ўзига хос аҳамият касб этади. Тадқиқотчининг фикрига кўра педагогга хос касбий компетентлик негизида қуйидаги таркибий асослар ташкил этади Касбий-педагогик компетентликка эга бўлишда ўз устида ишлаш, ўз-ўзини ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга. Ўз-ўзини ривожлантириш вазифалари ўзини ўзи таҳлил қилиш ва ўзини ўзи баҳолаш орқали аниқланади.

Ўз устида ишлаш қуйидагиларда кўринади:

- касбий БКМни такомиллаштириб бориш;
- фаолиятга танқидий ва ижодий ёндашиш;
- касбий ва ижодий ҳамкорликка эришиш;
- ишчанлик қобилиятини ривожлантириш;
- салбий одатларни бартараф этиб бориш;

Таркибий асослар

Махсус ёки касбий компетентлик (касбий фаолиятни юқори даражада ташкил этиш)

Шахсий компетентлик (ўз-ўзини ривожлантириш, ўз-ўзини намоён этиш)

Индивидуал компетентлик (ўз-ўзини бошқариш, касбий ривожланиш ва янгиликлар яратиш)

Ижтимоий компетентлик (қўшимча фаолиятни ҳамкорликда ташкил этиш)

Адабиётлар

1. Сайидахмедов Н.С. Янги педагогик технологиялар. – Т.: Молия, 2003.
2. Очиллов М. Янги педагогик технологиялар. – Қарши.: Насаф, 2000. й
3. Инновацион таълим технологиялари / Муслимов Н.А., Усмонбоева М.Х., Сайфуоров Д.М., Тўраев А.Б. – Т.: “Сано стандарт” нашриёти, 2015.
4. Ёўлдошев Ж.Ғ., Усмонов С. Илғор педагогик технологиялар. – Т.: Ўқитувчи, 2004.
5. Файзуллаева Н. Педагогик билимлар – ўқитувчи касбий маҳоратининг назарий асоси // Uzluksiz ta'lim ж. – Т.: 2006

Таълимда интернетдан фойдаланиш маданиятини шакллантиришнинг муҳим жиҳатлари.

Н.Суннатов
Катта ўқитувчи: НавДКИ
А.Рўзиев
Ассистент: НавДКИ

Инсоният тарихидарақамли технологияларнинг пайдо бўлиши телекоммуникацион соҳада туб ўзгаришларга олиб келди ва бу ўз навбатида анъанавий товушли алоқа хизматлари интернет, маълумотларни узатиш, мобил алоқа каби интерактив хизматлар билан ўрин алмашмоқда. Шунга қарамасдан аксарият соҳаларда интернетфойдаланишанъанавий тарзда давом этмоқда бу ҳолат мамлакатимизда ҳам яққол кўзга ташланади. Биз инсонлар тамаонидан шакиллантирилган жамиятларга эътибор қаратадиган бўлсак бу жамиятлар ҳаётига кундан-кунга ахборот коммуникацион технологияларнинг кириб бориши уларнинг ўзаро муносабатларига ўз таъсирини кўрсатаётганлигини кўришимиз мумкин. Замоनावий ахборот коммуникацион технологиясининг ва уларни амалга ошириш воситаларини жуда тез ривожланиши ахборот жамиятнинг шаклланишини олдиндан белгилаб беради. Бундай жамиятда инсон фаолиятининг ҳамма соҳаларида меҳнат қилаётганларнинг мутлақ кўпчилиги ахборотларни ишлабчиқиш, сақлаш, қайта ишлаш ва унинг энг юқори шакли билимларни тарқатиш билан шуғулланади. Бусоҳада Интернет технологиялари муҳим роль ўйнайди.¹

Ахборот технологиялари, замоनावий компьютерларга ва офис жиҳозларига талаб охириги йилларда жаҳон иқтисодий динамикаси ва структурасига, шунингдек таълим тизимига ҳам жиддий таъсир кўрсатмоқда. Ахборот технологиялари соҳасида Интернет тизимининг пайдо бўлиши ва жадал ривожланиши ҳақиқий инқилоб бўлди. Интернет учинчи минг йилликка келиб жаҳон иқтисодининг етакчи соҳаларидан бирига айланди, нингйилликқиймати 500 млрд. долларни ташкил қилади, бусоҳада уч миллиондан ортиқ киши банд² эканлиги ҳам бунинг яққол мисолидир.

Таълимдан интернетдан фойдаланиш даражасини ва унга бўлган эҳтиёжнинг ошиб бораётганлиги бу борадаги айрим муаммо ва камчиликларни ҳам юзага келтирмоқда.

1 Internet in education: Support materials for educators/ UNESCO Institute for Information Technologies in education (ITE), 2003.

2 Novak, P.. 'The Growing Digital Divide: Implications for an Open Research Agenda.' Understanding the Digital Economy: Data, Tools and Research. Ed. B. Kahin and E. Brynjolfsson. Cambridge, MA: The MIT Press., 2000.

3 Novak, P.. 'The Growing Digital Divide: Implications for an Open Research Agenda.' Understanding the Digital Economy: Data, Tools and Research. Ed. B. Kahin and E. Brynjolfsson. Cambridge, MA: The MIT Press., 2000.

Мутахассисларнинг ҳисобига кўра, XX аср бошида «Билимлар ҳажми» ҳар 50 йилда 2 баробар ошди. Ҳозирги пайтда бу жараён 1 йилда амалга оширилмоқда, яқин истиқболда эса 1 ойда бўлади³.

Бугунги кунда аксарият таълим йўналишидан қатъий назар мустақил ишлаши учун берилган барча топшириқларни тингловчи у ўқувчиси, талабам фарқи йўқ барчаси биринчи бўлиб ўзларига берилган вазифага доир маълумотларни интернетдан излашади ва бунда интернет фойдаланувчилари тамонидан билдирилган фикр мулоҳазалар, айрим асосланмаган назариялар ва ғоялар ёки машҳур олимлар номидан билдирилган фикрлардан иқтибосларни тўғридан-тўғри кучириб олишади.

Айрим ҳолатларда уша интернетдамашҳур олимлар тамонидан билдирилган деб иддо қилинаётган фикрлар олимнинг бирорта китобидан топа олмаслик каби тушунарсиз ва баҳсли ҳолатларни юзага келтирмоқда.

Шунинг учун таълим берувчи педогог ўз тингловчиларига расман тан олинган ва умум эътироф этилган ёки келтирилган маълумотлар расмий нашрларда чоп этилганлигини тасдиқлаш мумкин бўлган интернет сайтлари руйҳати ва ундан фойдаланиш тиртиб тўғрисида олдиндан маълумот бериб бориши лозим.

Шунингдек, илмий тадқиқот институтлари, давлат идоралари ҳамда ҳалқаро ташкилотларининг расмий сайтлари тўғрисида ва уларнинг руйҳатини кўрсатган ҳолда тингловчини ҳабардор қилиб бориш келгусида турли асосиз маълумотларнинг кириб келишини олдини олган бўларди.

Бундай ҳолатларнинг олдини олиш учун нималар қилишимиз керак деб ўйлайман ?

1. ҳар бир оиладаги ижтимоий-маънавий муҳитни яхшилаш,
2. Мактабгача таълим муассасалари ва мактабларда фарзандларга ва ота-оналарга тушунтириш ишларини олиб бориш,
3. ота-онанинг фарзанд тарбиясига бўлган эътиборини ошириш лозим
4. маҳаллалар билан бирга ишлаш
5. кенг жамоатчилик ҳамкорликда иш олиб бориш
6. ҳуқуқ-тартибот идоралари билан ишлаш,
7. ёшлар билан ишловчи ташкилотлар билан ишлаш (Ёшлар иттифоқи),
8. интернетдан оқилона фойдаланишга ўргатиш
9. интернет истеъмоли маданиятини юксалтириш
10. миллий тармоқда ёшлар учун мўлжалланган, уларнинг дунёқараши, қизиқишлари ҳисобга олинган ҳолда веб-сайтлар очиш,
11. ёшларнинг ахборот-психологик хавфсизлигини таъминлашга доир илмий асосларни яратиш,

12. таълим муассасаларини интернет тармоғига улашда одоб-ахлоқ қоидаларига мувофиқ бўлмаган веб-сайтлардан фойдаланишга чекловларни жорий этиш,
13. мафкуравий иммунитетни шакллантириш,
14. медиа-саводхонлиги ва интернетдан фойдаланиш маданиятини ошириш,
15. турли хуружлардан ҳимоя қилиш технологияларини янада такомиллаштириш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Бегимкулов У.Ш. Педагогик таълимда замонавий ахборот технологияларини жорий этишнинг илмий-назарий асослари. Монография. - Т.: Фан, 2007.
2. Қодиров Б.Ғ., Бегимкулов У.Ш., Абдуқодиров А.А. “Ахборот технологиялари”. Электрон дарслик. 2002 й.
3. Ишмухаммедов Р.Ж. “Инновацион технологиялар ёрдамида ўқитиш самарадорлигини ошириш йўллари”. Тошкент: 2000 й
4. Internet in education: Support materials for educators/ UNESCO Institute for Information Technologies in ducation (ITE), 2003.
5. Novak, P.. ‘The Growing Digital Divide: Implications for an Open Research Agenda.’ Understanding the Digital Economy: Data, Tools and Research. Ed. B. Kahin and E. Brynjolffson. Cambridge, MA: The MIT Press., 2000.